

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

"O'zbektelekom" АК

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	"O'zbektelekom" aksiyadorlik kompaniyasi
	Сокращенное:	"O'zbektelekom" АК
	Наименование биржевого тикера:	UZTL, UZTLP
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	100084: Тошкент шаҳар А. Темур кўчаси 97А.
	Почтовый адрес:	100011: Тошкент шаҳар А. Навои кўчаси 28А.
	Адрес электронной почты:	info@uztelecom.uz (mailto:info@uztelecom.uz)
	Официальный веб-сайт:	www.uztelecom.uz (https://www.uztelecom.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	заседания наблюдательного совета
	Дата проведения собрания:	29.09.2023

Дата составления протокола собрания:	11.10.2023	
Место проведения собрания:	Тошкент ш., Муминов кўчаси, 4/2 уй	
Кворум собрания:	100,00	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	“Ўзбектелеком” АК томонидан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш.	9,0	0	0	0	0	0
2	“Ўзбектелеком” АК томонидан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш	9,0	0	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
---	---

1

1. “Ўзбектелеком” АК томонидан 6 395 521 084 сўм миқдоридagi 5 542 046 дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 1 154 сўм бўлган қўшимча акцияларни чиқариш ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда очиқ савдолар орқали жойлаштирилсин. 2. Мазкур чиқарилишдаги акциялар қуйидаги шартлар ва тартибда амалга оширилиши белгилансин: Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): эгасининг номи ёзилган, оддий. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 154 сўм. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 5 542 046. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 6 395 521 084. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули: Ушбу чиқарилишдаги акциялар сони чекланмаган инвесторлар орасида очиқ обуна йўли билан жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Ушбу чиқарилишдаги акциялар ваколатли давлат органи томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 365 кун ичида жойлаштирилади. Жойлаштиришни бошланиш санаси: ушбу акцияларнинг қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ва имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ахборот эълон қилинган кундан эътиборан 15 (ўн бешинчи) кун. Жойлаштиришни тугаш санаси: ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 365 кундан ортиқ бўлмаган муддатда. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: акциялар имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи орқали жойлаштириладиганда акциядорлар билан уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг имтиёзли ҳуқуқдан қолган қисми очиқ обуна усулида уюшган бозорда яъни “Тошкент” республика фонд биржасида қимматли қоғозлар савдоси қоидаларида белгиланган тартибда фонд биржаси орқали чекланмаган потенциал инвесторлар орасида жойлаштирилади. Эмитентнинг андеррайтери: “Portfolio Investments” масъулияти чекланган жамияти (“Portfolio Investments” МЧЖ), 100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй, +998(71) 267-75-75, e-mail: info@piamg.uz, веб-сайт: www.piamg.uz. Тошкент профессионал фаолият юритиши учун берилган лицензия рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш учун 2018-йил 23 январьдаги Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан чекланмаган муддатга берилган 1298-сон лицензия. Эмитент ва андеррайтер ўртасида тузилган шартнома санаси ва рақами: 2023-йил 10 февральдаги 1/2023-сон шартнома. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Компания томонидан акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги, яъни 2023 йил 29 сентябрь ҳолатига шакллантирилган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади. Компания акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санада эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш орқали ўзининг имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларига акцияларни мазкур акциядорларда мавжуд бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда тенг шартларда, қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамиятнинг бошқарув органи томонидан белгиланган жойлаштириш нархи бўйича олишни таклиф этиши шарт. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати билдириш эълон қилинган санадан эътиборан 10 (ўн) кунни ташкил этади, агар бу муддат ўтгунига қадар жамиятнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисида ёки ундан фойдаланишдан воз кечиш ҳақида ёзма равишда аризалар олинган бўлса, тугайди. Имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг фақат

2 Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунига ва Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) мувофиқ қўшимча акцияларни чиқаришда белгиланган шакл бўйича қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш белгиланган. “Ўзбектелеком” АКнинг томонидан қўшимча равишда эълон қилинган акциялар доирасида номинал қиймати 1 154 сўм бўлган 5 542 046 дона жами 6 395 521 084 сўмлик эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи Кузатов кенгаши томонидан тасдиқланиши зарур (қарор ва эмиссия рисоласи илова қилинади). Юқоридагиларни инобатга олиб, “Ўзбектелеком” АКнинг жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда эълон қилинган акциялар доирасида акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарори ва эмиссия рисоласи Кузатов кенгаши томонидан тасдиқланиши учун киритилди. Кун тартибидаги масалани муҳокама қилган ҳолда Кузатов кенгаши қарор қилди: 1. “Ўзбектелеком” АКнинг номинал қиймати 1 154 сўм бўлган 5 542 046 дона эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклдаги қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори ва эмиссия рисоласи иловага мувофиқ тасдиқлансин. 2. “Ўзбектелеком” АК бошқаруви (Н.Хасанов): - “Ўзбектелеком” АКнинг қўшимча акциялари чиқарилиши бўйича ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-сон рақами билан тасдиқланган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидалари”га мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини; - давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг, акциялар чиқарилувини Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида рўйхатга олинишини таъминласин.

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Хасанов Назиржон Набижонович
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Маъмуржонов Олимжон Маъмуржон ўгли
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Махаматов Адхамжон Махмуджонович

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента (<https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/korporativ-boshqaruv/malumotlarni-oshkor-qilish/muhim-faktlar-1>)

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/10132>

Дата: 03.05.2026